

**Собиров Отабек Қадирович**

Андижон давлат университети ўқитувчиси

E-Mail: [otabeksobirov774@gmail.com](mailto:otabeksobirov774@gmail.com) +998912889077

**Шокиров Шерали Иброхимович**

Андижон давлат университети ўқитувчиси

E-Mail: [sheralis790@gmail.com](mailto:sheralis790@gmail.com) +998945594949

**Аннотация-** Термин ва терминология тушунчаларининг маъноси ҳақида олимлар турли фикрларни билдирадилар. Олимлар фикрларини таҳлил қилган ҳолда “термин”га биз қўйидағича таъриф бердик: семантик жиҳатдан маҳсус соҳа билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи сўз ва иборалардан ташкил топган лексик бирлик бу термин. Терминология соҳасида мавжуд муаммоларнинг асосий сабабларидан бири янги терминларнинг яратилишида оддий таржима ёки нусхалаш жараёнини кўриш мумкин.

**Калим сўзлар-** термин, терминология, қурилиши тўғрисидаги лугатлар тўсин, хари, экма-тоқи, угулмуқ-устига тўсин қўйиши учун тикка тургизилган ёғоч, эл – эшик, сэзräк қапуғ – панжарали эшик, сурма эшик, сіруқ - чодирнинг устуни, ајағу – чодирнинг асоси, қовургаси, ёгурмäк – тахтировон она тилида сўзлашувчилар, меъморчилик ва қурилиши фаолияти тушунчаларини чақирадиган умумий адабий лугат ва маҳсус атамалар;

**Аннотация.** Ученые высказывают разные мнения о значении терминов и терминологических понятий. Анализируя мнения ученых, мы определили «термин» следующим образом: лексическая единица, состоящая из слов и словосочетаний, семантически ограниченных определенной областью и репрезентирующими понятие этой области. Одну из основных причин существующих проблем в области терминологии можно увидеть в процессе простого перевода или копирования при создании новых терминов.

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

**Ключевые слова** - термины, терминология, хари, экма-токази, угулмук-дерево, стоящее вертикально для установки на него бруса, эл - дверь, сезрак капуг' - дверь с решеткой, раздвижная дверь, сирук - столб палатки, аджаггу — основание палатки, ребро, ögurmäk — общелитературная лексика и специальные термины, вызывающие представления носителей языка об архитектуре и строительной деятельности;

**Annotation-** Scholars express different opinions about the meaning of term and terminology concepts. Analyzing the opinions of scientists, we defined "term" as follows: a lexical unit consisting of words and phrases that are semantically limited to a special field and represent the concept of this field. One of the main reasons for the existing problems in the field of terminology can be seen in the process of simple translation or copying in the creation of new terms.

**Key words** - terms, terminology, khari, ekma-toqi, ugultuk-wood standing upright for putting a beam on top of it, el - door, sezräk kapug' - door with bars, sliding door, siruq - pole of the tent, ajaggu - the base of the tent , rib , ögurmäk – general literary vocabulary and special terms that invoke the concepts of native speakers, architecture and construction activities;

Маълумки, бугунги кунда қурилиш саноат соҳаси ҳозирда жуда тараққий этган, техникалашган соҳалардан бирига айланди. Унинг тарихи эса узоқ ўтмишга бориб тақалади. «Ўзбек Совет энциклопедияси»да бу ҳақда шундай ёзилади: «Ибтидоий жамиятда овчилик, балиқчилик қилиш, ўсимлик илдизларини кавлаб олиш каби жараёнларда тош асбоблар қатори дурадгорликнинг ибтидоий буюмлари ҳам қўлланилган. Тош даврига оид топилмалар орасида тош қуролларнинг ёғоч соплари, ёғоч қуроллар (таёқ, ёй, найза) ва ҳ.к. учрайди. Темир ва бронза даври ёдгорликлари дурадгорлик касбининг анча мураккаблашганини, қурилиш буюмларининг хили кўпайганлигини кўрсатади. Кишиларнинг ғорлардан чиқиб уйлар (чайла, чордок, ертўла, пахса уй ва б.) қура бошлиши, чорвачилик ва дехқончилик урф бўлиши (мол қўралар қуриш, омоч, ғалтакарава, ариқ қазийдиган буюмлар ва сув чиқариш воситалари (чиғир, тарнов) ясаш, меҳнат қуроллари (белкурак,

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

болта, кетмон, ўроқ, пичоқ) учун соплар ишлаш), ёғочсозликнинг турли тармоқларига оид дастлабки намуналар вужудга келишига сабаб бўлди. Сув бўйида яшайдиган кишилар орасида балиқ овлаш ва алоқа воситалари (ов асбоблари, соллар, қайиқлар) пайдо бўлди<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда илм-фанга асосланган, юксак конструкцияда механизациялашган, техникалашган қурилиш саноатининг ривожланиши билан ўз-ўзидан унинг илмий терминологияси ҳам вужудга келди. Шундай экан, лексиканинг бу луғавий қатламини лисоний нуқтаи назардан тадқиқ этиш ўзига хос аҳамият касб этади. Ўзбек тилшунослигидаги баъзи ишларда қурилиш терминларининг айримлари хусусида сўз юритилган. Қурилиш атамаларининг ёғочга ишлов берувчи саноат маъносида қўлланаётганлигини юқорида келтирилганлардан ташқари яна айрим манбалардан олинган қуийидаги мисоллар ҳам тўла тасдиқлайди: Замонавий қурилиш саноати корхонасида ишлаб чиқариш процесси: материални бевосита ишлашдан... ва шунга алоқадор процесслардан... иборат (ДМК, 6); 2-бўлим «химия саноати» деб номланиб, унга... ёғочсозлик саноатларининг..., қурилиш материаллари каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганиш вақтида учрайдиган термин ҳамда тушунчалар киритилган . Туркий тилларнинг қадимдан улкан луғавий хазинага эга бўлганлигини тасдиқловчи муҳим манбалардан бири Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луготит турк"<sup>2</sup> асари эканлиги Европа ҳамда рус тилшунослигига алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, М.Кошғарийнинг бу асарида қурилиш атамаларига оид қуийидаги лексемалар ҳам қайд этилган: оқ (ўқ) - тўсин, хари (I, 73), экма-тоқи (васса) (I, 150); ујуғлуғ эш-тоқили (вассали) уй (III, 58), уғулмуқ-устига тўсин (болов) қўйиш учун тикка турғизилган ёғоч (I, 165), эл – эшик (III, 132), сэзräк қапуғ –панжарали эшик, сурма эшик (I, 442), сіруқ - чодирнинг устуни (I, 362), аяғу – чодирнинг асоси, қовурғаси (III, 430), ѿгурмäк – тахтировон (I, 464) ва б. Терминологик системаларидағи каби "тематик гурух" нуқтаи назаридан ёндашилди. Чунки айни шу йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар,

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

жумладан, ушбу иш ҳам лексикани система сифатида ўрганишга ўз ҳиссасини қўшади, систем лексикологиянинг янада такомиллашуви, янги лисоний далиллар билан тўлдириб борилиши учун хизмат қиласи, деб ўйлаймиз. Фан-техника, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда рўй берган ва рўй бераётган ихтиrolар, янгиликларнинг тобора ошиб бориши, меҳнат тақсимотининг сезиларли даражада ривожланиши юқоридаги гиперонимларнинг юзага келишида асосий омиллардан саналади.

Қурилиш терминологиясида касб-кор эгаларининг номлари асосан –чи аффикси воситасида ҳосил қилинади. Соҳада камроқ миқдорда бўлса-да –соз воситасида ясалган касб-кор эгалари номлари ҳам мавжуд. Бу каби –чи ва –соз аффикслари билан ясалган лексемалар ўзига хос вариантдорликни ташкил қиласи. Ушбу ҳолат *элакчи//элаксоз, сандиқчи//сандиқсоз, эгарчи//эгарсоз, ромчи//ромсоз* каби вариантдор лексемаларнинг бирини соҳада қўлланадиган термин сифатида танлаш масаласини ҳал қилишни тақазо қиласи.

Замонавий илм-фан тез кириб келаётганлиги сабабли ижтимоий ва ахборот макони оламида илмий маълумотлар асосий рол ўйнай бошлайди. Оммавий ахборот воситалари кўплаб нутқларни амалга ошириш соҳаси эканлигини ҳисобга олсак ва қурилиш нутқининг пайдо бўлишининг потенциал тенденцияси ҳақида гапиришимиз мумкин. Бу ҳам инсон билимларининг маълум бир соҳаси вакили бўлиб хизмат қиласи. Термин ва терминология тушунчаларининг маъноси ҳақида олимлар турли фикрларни билдирадилар. Олимлар фикрларини таҳлил қилган ҳолда “термин”га биз қуийдагича таъриф бердик: семантик жиҳатдан маҳсус соҳа билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи сўз ва иборалардан ташкил топган лексик бирлик бу термин. Терминология соҳасида мавжуд муаммоларнинг асосий сабабларидан бири янги терминларнинг яратилишида оддий таржима ёки нусхалаш жараёнини кўриш мумкин. Дарҳақиқат, янги терминни яратиш ҳар жиҳатдан мукаммал жараёндир. Ҳар қандай илмий-техник термин оддий сўз ёки иборанинг терминологик инъикосидир, у аниқ фарқ ва маълум таркибга эга бўлиши ва бу таркиб матндан қатъий назар, фақат

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

шу термин билан боғлиқ бўлиши керак. Шундай экан терминология муаммолари доимий чуқур изланишларда тадқиқ этилиб фан ва техника тараққиётига мувофиқ равишда такомиллашиши даркор. Қурилиш атамалари матнларда (қурилиш бўйича илмий ишлар, саёҳатлар учун қўлланмалар, саёҳат учун эсдаликлар, бадиий матнлар ва бошқалар) муайян ижтимоий тарихий шароитлар мавжуд бўлшида катта роль ўйнайди.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги “Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори
3. Maxmaraimova Sh. Lingvokulturologiya [matn] o'quv qo'llanmasi. – Toshkent: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2017. – 164 b.
4. Maxmaraimova Sh. Hozirgi o'zbek tili leksikologiyasi. O'quv qo'llanma. – Toshkent: Firdavs-Shoh nashriyoti, 2021. – 380 b.
5. Rahmatullaev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. I qism. – Toshkent: Mumtoz so'z, 2010. – 252 b.
6. Rahmatullaeva D. Libos tarixi. – Toshkent: Fan, 2015. – 380 b.
7. Safarov Sh. Semantika. – Toshkent: O'zbekistan milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti, 2013. – 341 b.
8. Saidova M., Qo'ziyev U. Lingvokulturologiya. Uslubiy qo'llanma. – Namangan: Kamalak, 2017. – 127 b.
9. Sodiqova N. O'zbek milliy kiyimlari. XIX-XX asrlar. National Uzbek Clothes. XIX-XX centuries. Национальная одежда узбеков. XIX-XX вв. – Toshkent: Sharq, 2003. – 159 b.
10. Tursunov S.N., Pardaev T.R., Maxmadiyorova N.S. Surxondaryo – etnografik makon. – Toshkent: Akademnashr, 2012. – 232 b.